

## **Мавзу:**

**Ер хусусидаги низолар,  
уларни бартараф этиш йўллари тартиби.**

### **1. Режа:**

- 2. 1.Ер қонунчилигини бузганлик тўғрисида тушунча.**
- 3. 2.Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик, унинг турлари ва кўринишлари.**

## **Ер хукукбузарлиги тушунчаси**

Ер хукукбузарлиги деганда, ер хукуки нормаларига карама-карши булган айбли хатти-хдракат ёки харакатсизлик тушуниси - лади. Ердан фойдаланиш хукуки коидаларини бузувчилар, яъни хукукбузарлик субъектлари бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналари, давлат ва кооператив ташкилотлари, фуқаролар бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат органлари, саноат корхоналари, бошқа ташкилотлар ҳам бу хукукбузарликнинг субъекти бўлишлари мумкин. Хукукбузарликнинг объекти бўлиб, аввало давлатнинг ерга булган мулкчилик хукуки; қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш хукуки; ердан қонуний фойдаланиш тартиби хисобланади. Ердан фойдаланиш хукукининг бўзилиши асосан шу санаб ўтилган хукук ва манфаатларга қарши қаратилган бўлиб, ш у хукук ва манфаатларнинг амалга оширилишига тусиқ бўлади.

**Ердан фойдаланиш хукукбузарлигининг мазмунини ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга иктисодий, моддий ва маънавий, экологик зарар етказишга қаратилган хукукка қарши айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ташкил этади. Агар қонунга қарши тузилган битимлар, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларини ишдан чиқариш, ифлослантириш, ер чегараси марзаларини бўзиб ташлаш ва шунга ўхшаш ҳаракат билан содир эталса, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланш учун яроқли ҳолатига келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан саклаш мажбуриятларини бажармаслик ва шунга ўхшаш хукукбузарликлар ҳаракатсизлик оқибатида содир этилади.**

**Шуни алохида таъкидлаш керакки, бу хилдаги ҳуқук - бузарликлар қасдан содир этилади, яъни ҳуқукбузарлар қонунга қарши ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир эта туриб, унинг оғир оқибатларини биладилар ва унга онгли равишда йул қўядилар.**

**Шунингдек, ер ҳуқукбузарлиги эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳам мумкин, яъни бу қонунга хилоф ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этаётганлар унинг оқибатини англаб етадилар, лекин бу охир оқибатларнинг вужудга келишига енгил елпи қарайдилар. Шуни алохида таъкидлаш керакки, бу хилдаги ҳуқукбузарликлар қасдан содир этилади, яъни ҳуқукбузарлар қонунга қарши ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир эта туриб, унинг оғир оқибатларини биладилар ва унга онгли равишда йул қўядилар.**

**Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бўзиш деганда, давлатнинг ерга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга халал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади.**

**Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳар хил қонунга қарши хатти ҳаракатлар орқали бўзилиши мумкин. Ердан қўйдаланиш ҳуқуқини бўзувчи бундай хатти-ҳаракатлар тури Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 90-моддасида санаб ўтилган.**

**Буларга қўйидагилар киради:**

**ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш , совга қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш, ерлардан эга мақсадларда фойдаланиш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ерларни бўзиш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, оқова сувлар билан бўлғатиш, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир курсатадиган объектларни жойлаштириш, қуриш , лойихалаш, ишга тушириш , вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бўзиш ёки ш у ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ер эгалиги ва фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларини йўқ қилиб ташлаш, ерларнинг давлат руйхати, ҳисоб-китоб ва баҳоланиш маълумотларини сохталаштириш, ёввойи утларга қарши кураш чораларини курмаслик, ердан хўжасизларча фойдаланиш, тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва бошқалар.**